



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 11 » avgust № 354

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 8 июлдаги 377-сон қарорига йўл ҳаракати қатнашчиларига қўшимча қулайликлар яратиш ва йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракатини ташкил этиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, йўл ҳаракати қатнашчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт оқимини бошқариш имконини берадиган йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тартибга солиш тизимларини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш талаб этилмоқда.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-патруль хизмати стационар постлари орқали ҳаракатланишида қўшимча қулайликлар яратиш, шунингдек, “Яшил” ва “Қизил” йўлак тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 8 июлдаги 377-сон қарорига иловага мувофиқ куйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилсин:

“Яшил” ва “Қизил” йўлак тизими жорий этилган йўл-патруль хизмати стационар постларидан ҳаракатланадиган, суғурта полисининг муддати ўтган ва белгиланган муддатда техник кўрикдан ўтмаган транспорт воситаларининг махсус тўхташ жойларига жойлаштирилмасдан “Яшил” йўлак бўйлаб тўсиқсиз ҳаракатланишига рухсат бериш;

йўл-патруль хизмати стационар постларини реконструкция қилиш ҳамда йўл инфратузилмасини мослаштиришнинг аниқ муддатларини белгилаган ҳолда “Яшил” ва “Қизил” йўлак тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги “Яшил” ва “Қизил” йўлак тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати учун юқори тезликдаги маълумотлар узатиш каналларини (VPN) белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу қарорнинг мазмун ва аҳамиятини оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайти орқали кенг ёритилиши ҳамда аҳолига етказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 11 августдаги 354-сон қарорига
илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 8 июлдаги 377-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “суғурта полисининг муддати ўтган, белгиланган муддатда техник кўрикдан ўтмаган,” сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан бошлаб “Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойили мазкур қарорга 2-иловадаги жадвалга мувофиқ босқичма-босқич республиканинг йўл-патруль хизмати стационар постларида жорий этилади”.

3. 4-банднинг иккинчи хатбошисида:

“Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги” сўзлари “Рақамли технологиялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“2022” рақами “2023” рақами билан алмаштирилсин.

4. 1-иловада:

а) 2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қизил” йўлак – қидирувда бўлган, вазн ва ҳажм параметрларини бузиб ҳаракатланган ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ўз вақтида тўланмаган жаримаси мавжуд транспорт воситалари ҳаракатланиши шарт бўлган ҳаракатланиш бўлаги”;

б) 6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазн ва ҳажм параметрларини бузиб ҳаракатланадиган транспорт воситалари бўйича вазн ва ҳажм параметрлари тегишли нормага мослаштирилган тақдирда, уларнинг ҳаракатини давом эттиришга рухсат берилади”.

5. 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Йўл патруль хизмати стационар постларининг йўл инфратузилмасини тайёрлаш
хамда “Яшил” ва “Қизил” йўлаклар тизимини босқичма-босқич жорий этиш
ЖАДВАЛИ**

T/p	ЙПХ стационар пости номи	Худуд номи	ЙПХ стационар пости жойлашган манзил	Тизимнинг хужжатларини тайёрлаш муддати	Тизимни жорий қилиш муддати
I босқич					
1.	“Чинор” ЙПХ стационар пости	Тошкент вилояти	A373 “M39 автойўли-Гулистон-Бўка- Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали- Ўш” автомобиль йўлининг 199-километри, Оҳангарон тумани	тайёр	2024 йил январь
2.	“Наманган” ЙПХ стационар пости	Наманган вилояти	A373 “M39 автойўли-Гулистон-Бўка- Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали- Ўш” автомобиль йўлининг 273-километри, Поп тумани	2024 йил февраль	2024 йил декабрь
II босқич					
3.	“45-ЙПХ” ЙПХ стационар пости	Андижон вилояти	A373 “M-39 автойўли-Гулистон-Бўка- Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали- Ўш” автомобиль йўлининг 469-километри, Хўжабод тумани	2024 йил март	2025 йил март
4.	“А.Турбонов” ЙПХ стационар пости	Тошкент шаҳри	M34 “Тошкент-Душанбе” автомобиль йўлининг 15-километри, Сергели тумани	2024 йил апрель	2025 йил апрель
5.	“Эркин” ЙПХ стационар пости		M39 “Алмати-Бишкек-Тошкент- Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлининг 817-километри, Чилонзор тумани	2024 йил май	2025 йил май
6.	“Шарқ” ЙПХ стационар пости		A373 автомобиль йўлининг “а” “Тошкент шаҳрига” шохобчасининг 45-километри, Бектемир тумани	2024 йил июнь	2025 йил июнь
7.	“Уч қахрамон” ЙПХ стационар пости		M39 “Алмати-Бишкек-Тошкент- Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлининг 817-километри, Юнусобод тумани	2024 йил июль	2025 йил июль
8.	“Ойбек” ЙПХ стационар пости	Тошкент вилояти	4P20 “Қорасув-Бўка-Бекобод” автомобиль йўлининг 63-километри, Бекобод тумани	2024 йил август	2025 йил август
III босқич					
9.	“Сирдарё” ЙПХ стационар пости	Сирдарё вилояти	M39 “Алмати-Бишкек-Тошкент- Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлининг 871-километри, Сирдарё тумани	2024 йил сентябрь	2025 йил сентябрь
10.	“Норин” ЙПХ стационар пости	Наманган вилояти	4P112 “Фарғона ҳалқа йўли” автомобиль йўлининг 101-километри, Норин тумани	2024 йил октябрь	2025 йил октябрь
11.	“Манас-14” ЙПХ стационар пости	Жиззах вилояти	M39 “Алмати-Бишкек-Тошкент- Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлининг 939-километри, Дўстлик тумани	2024 йил ноябрь	2025 йил ноябрь
12.	“Яккабоғ-15” ЙПХ стационар пости		A376 “Қўқон-Жиззах” автомобиль йўлининг 242-километри, Зомин тумани	2024 йил декабрь	2025 йил декабрь

13.	“Юқори нукта” ЙПХ стационар пости	Самарқанд вилояти	М39 “Алмати-Бишкек-Тошкент- Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлининг 1039-километри, Булунғур тумани	2025 йил январь	2026 йил январь
14.	“Омонқўтон” ЙПХ стационар пости		М39 “Алмати-Бишкек-Тошкент- Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлининг 1120-километри, Ургут тумани	2025 йил февраль	2026 йил февраль
IV босқич					
15.	“Мингчинор” ЙПХ стационар пости	Қашқадарё вилояти	М39 “Алмати-Бишкек-Тошкент- Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлининг 1139-километри, Китоб тумани	2025 йил март	2026 йил март
16.	“Умакай” ЙПХ стационар пости		А378 “Самарқанд-Ғузор” автомобиль йўлининг 57-километри, Чироқчи тумани	2025 йил апрель	2026 йил апрель
17.	“Ширинбулоқ” ЙПХ стационар пости		А380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов” автомобиль йўлининг 147-километри, Муборак тумани	2025 йил май	2026 йил май
18.	“Дарбанд” ЙПХ стационар пости	Сурхондар ё вилояти	М39 “Алмати-Бишкек-Тошкент- Шаҳрисабз-Термиз” автомобиль йўлининг 1335-километри, Бойсун тумани	2025 йил июнь	2026 йил июнь
19.	“Мангузар” ЙПХ стационар пости		М41 “Бишкек-Душанбе-Термиз” автомобиль йўлининг 1618-километри, Термиз тумани	2025 йил июль	2026 йил июль
V босқич					
20.	“Сармижон” ЙПХ стационар пости	Бухоро вилояти	М37 “Самарқанд-Бухоро- Туркманбоши” автомобиль йўлининг 212-километри, Ғиждувон тумани	2025 йил август	2026 йил август
21.	“Караката” ЙПХ стационар пости	Навоий вилояти	А379 “Навоий-Учқудук” автомобиль йўлининг 125-километри, Конимех тумани	2025 йил сентябрь	2026 йил сентябрь
22.	“Зарафшон” ЙПХ стационар пости		А379 “Навоий-Учқудук” автомобиль йўлининг 202-километри, Зарафшон шаҳри	2025 йил октябрь	2026 йил октябрь
23.	“Самарқанд” ЙПХ стационар пости		М37 “Самарқанд-Бухоро- Туркманбоши” автомобиль йўлининг 147-километри, Кармана тумани	2025 йил октябрь	2026 йил октябрь
VI босқич					
24.	“Момокўпир” ЙПХ стационар пости	Хоразм вилояти	4Р160 “Урганч-Гурлан-Манғит- Туркменистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 65-километри, Гурлан тумани	2025 йил ноябрь	2026 йил ноябрь
25.	“Бройлер” ЙПХ стационар пости	Қорақал- поғистон Республика си	А380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов” автомобиль йўлининг 754-километри, Нукус шаҳри	2025 йил ноябрь	2026 йил ноябрь
26.	“Мискин” ЙПХ стационар пости		А380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов” автомобиль йўлининг 561-километри, Тўрткўл тумани	2025 йил ноябрь	2026 йил ноябрь

27.	“Довут ота” ЙПХ стационар пости		A380 “Ўзур-Бухоро-Нукус-Бейнов” автомобиль йўлининг 1184-километри, Қўнғирот тумани	2026 йил январь	2026 йил декабрь
28.	“Бектемир” ЙПХ стационар пости	Тошкент шаҳри	4P2 “Тошкент-Тўйтепа-А373 автойўли (55 км)” автомобиль йўлининг 11- километри, Бектемир тумани	2026 йил январь	2026 йил декабрь
29.	“Келес” ЙПХ стационар пости*	Тошкент вилояти	4P4 “Тошкент-Келес-Қозоққентсой- М39 автойўли (820 км)” автомобиль йўлининг 16-километри, Тошкент тумани	2026 йил*	2026 йил*

Изоҳ: Йўл инфратузилмасининг тайёр бўлишидан келиб чиққан ҳолда, “яшил” ва “қизил” йўлақлар тизими жорий қилиш жадвалда белгиланган муддатлардан олдин амалга оширилиши мумкин.

*) “Келес” ЙПХ стационар пости қуриб битказилгандан кейин “яшил” ва “қизил” йўлақлар тизими жорий қилинади”.

